

2-1-2018

PERSPECTIVE DIRECTIONS OF FORMATION INTEGRATED STRUCTURES IN UZBEKISTAN

J. Ataniyazov
Tashkent Financial institute

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance>

Recommended Citation

Ataniyazov, J. (2018) "PERSPECTIVE DIRECTIONS OF FORMATION INTEGRATED STRUCTURES IN UZBEKISTAN,"
International Finance and Accounting: Vol. 2018 : Iss. 1 , Article 4.
Available at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance/vol2018/iss1/4>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in International Finance and Accounting by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact brownman91@mail.ru.

**Атаниязов Ж.Х. – ТМИ,
доцент, и.ф.н.**

ЎЗБЕКИСТОНДА ИНТЕГРАЦИЯЛАШГАН ТУЗИЛМАЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ИСТИҚБОЛЛИ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Мақолада интеграциялашган тузилмаларни шакллантиришнинг ташкилий-иқтисодий шарт-шароитлари тадқиқ этилган, шунингдек, уларни шакллантириш имкониятлари аниқланган ҳамда зарурий шароитларни яратишга қаратилган тавсиялар берилган.

Калит сўзлар: интеграция, рентабеллик, инновация, корпоратив тузилма, капиталлашув, холдинг, кластер, индекс, коэффициент, «йўл харитаси».

В статье рассмотрены организационные и экономические условия формирования интегрированных структур, а также определены возможности и предложены рекомендации по созданию необходимых условий для их формирования.

Ключевые слова: интеграция, рентабельность, инновация, корпоративная структура, капитализация, холдинг, кластер, индекс, коэффициент, «дорожная карта».

The article describes organizational and economic conditions for the formation of integrated structures, as well as the opportunities and recommendations for creating the necessary conditions for their formation.

Key words: integration, profitableness, innovation, corporate structure, capitalization, holding, cluster, index, coefficient, «road map».

Таркибий ислохотларни чуқурлаштириш, етакчи тармоқларни диверсификациялаш ва модернизациялаш ҳисобига миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини ошириш «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси»ни муваффақиятли амалга оширишнинг асосий шарт-шароити ҳисобланади.

Иқтисодиёт тармоқларига юқори самарали инновацион усуллар ва бошқариш шакллари жорий этиш истиқболда таркибий ислохотларни чуқурлаштириш мақсадларида юқори кўшимча қиймат билан рақобатбардош тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш долзарб масалалардан ҳисобланади. Бу борада, иқтисодиёт тармоқларида фаолият юритаётган ишлаб чиқаришнинг технологик даври жиҳатидан ўзаро алоқадор бўлган корхоналар иштирокида интеграциялашган корпоратив тузилмаларни шакллантириш муҳим ўрин тутди.

Иқтисодиётдаги кескин рақобатлашув шароитларида хўжалик юритувчи субъектларнинг ўзаро ҳамкорликни мустақамлаган ва интеграциялашган ҳолда фаолият юритишга интилишини намоён этувчи тенденциялар юзага келади. Жаҳон тажрибасидан маълумки, интеграциялашган корпоратив тузилмалар миллий иқтисодиёт барқарорлигини таъминлашнинг истиқболли

шакли бўлиб ҳисобланади. Бунда корпоратив тузилма иштирокчиларидан ҳар бирининг юридик мустақиллиги сақланган ҳолда, ишлаб чиқариш, тижорат ва молиявий тузилмалар салоҳиятининг бирлашиши узвий равишда амалга оширилади.

Миллий иқтисодий иштиқболда ривожлантиришнинг стратегик йўналиши бўлиб ишлаб чиқаришнинг барча технологик босқичларини ўз ичига олган интеграциялашган корпоратив тузилмаларни шакллантириш ҳисобланади. Корпоратив тузилма таркибига кирувчи ҳар бир ишлаб чиқариш корхонаси якуний маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнида фаол иштирок этиши лозим. Бу жараёнда корпоратив тузилма фаолиятидаги мақсадли лойиҳаларни амалга ошириш учун молиявий ресурсларга эҳтиёж туғилиши табиийдир, шу боисдан корпоратив тузилма фаолиятидаги мақсадли лойиҳаларни молиялаштиришга молиявий ташкилотларни жумладан, тижорат банкларини жалб этиш мақсадга мувофиқдир.

Мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятидан ва иштиқболда миллий иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларидан келиб чиққан ҳолда иқтисодий тармоқларини модернизациялаш ва иқтисодий ўсишнинг барқарор суръатларини таъминлаш мақсадида қишлоқ хўжалиги ва қайта ишлаб чиқариш тармоқларида интеграциялашган корпоратив тузилмаларни шакллантиришни рағбатлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмини ишлаб чиқиш муҳимдир.

Миллий иқтисодийда ишлаб чиқариш корхоналарининг интеграцияси орқали холдинглар ва саноат кластерлари шаклидаги корпоратив тузилмаларини шакллантириш ва улардаги лойиҳаларни молиялаштиришга тижорат банкларининг инвестицияларини йўналтириш амалиётини ривожлантириш лозим. Мазкур интеграциялашган тузилмаларга ички ва ташқи бозорларда рақобатбардош юқори илмий сифимли маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи технологик ва кооперацион алоқадор корхоналарни жалб этиш ҳамда улар фаолияти такрор ишлаб чиқаришнинг барча босқичларини қамраб олишига ҳамда корхоналарнинг молиявий ва ишлаб чиқариш салоҳиятини оширишга қаратилган лойиҳаларни жорий этишга алоҳида аҳамият бериш лозим.

Тадқиқотларга кўра корхоналарнинг вертикал интеграциялашган корпоратив тузилмаларда фаолият юритишининг самарадорлигини баҳолаш учун Альтманнинг модификацияланган моделини қўллаш тавсия этилади. Вертикал интеграциялашган тузилмаларни ташкил этиш самарадорлигини таҳлил этиш услубини миллий корхоналар фаолиятига мослаштириш учун моделга кирувчи омиллар таркибини ўзгартириш тавсия этилади. Мазкур модел орқали алоҳида олинган корхоналарнинг мустақил фаолияти ва уларнинг ягона интеграциялашган тузилмада бирлашишининг барқарорлиги баҳоланади.

Таҳлиллар кўрсатишича, корхоналар молиявий барқарорлигига муҳим таъсир этувчи асосий омиллар қуйидагилардан иборат:

- умумий тўловга қобилиятлилиқ кўрсаткичи;
- ўз капитали рентабеллиги;

- корхона капиталлашуви коэффиценти;
- менежмент коэффиценти;
- корхонанинг ўз маблағлари билан таъминланганлиги коэффиценти.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, вертикал интеграциялашган тузилмаларни ташкил этиш самарадорлигининг таҳлили учун таклиф этилаётган модел куйидаги кўринишга эга бўлади:

$$R = X_1 + X_2 + X_3 + X_4 + X_5 > 0$$

Бунда,

R – корхонанинг молиявий барқарорлигини баҳолаш кўрсаткичи;

X₁ – корхонанинг умумий тўловга қобилиятлилик кўрсаткичи (жами активларнинг жами мажбуриятларга нисбати);

X₂ – корхонанинг ўз капитали рентабеллиги (соф фойданинг ўз капиталига нисбати);

X₃ – корхона капиталлашуви коэффиценти (қарз маблағларининг ўз капиталига нисбати);

X₄ – менежмент коэффиценти (корхона тушуми ҳажмининг жорий мажбуриятларга нисбати);

X₅ – корхонанинг ўз маблағлари билан таъминланганлиги коэффиценти (капиталдан асосий воситалар айирмасининг жорий активларга нисбати билан аниқланади).

Ягона корпоратив тузилмада бирлашгунга қадар ва бирлашгандан кейинги R қийматини таққослаш интеграциялашган корпоратив тузилма ташкил этиш самарадорлиги бўйича хулоса қилишга имкон беради.

Агар интеграциялашган тузилмага қўшилгандан кейинги R қиймати кўшилишдан олдинги қийматдан ортса, у ҳолда корхоналарнинг интеграциялашган ҳолатда фаолият юритиши алоҳида фаолият юритишга нисбатан юқори молиявий барқарорликка эга бўлади.

Вертикал интеграциялашган тузилмаларни ташкил этиш самарадорлигини таҳлил қилиш моделидан фойдаланиш услубиётини куйидагича изоҳлаш мумкин. Вертикал интеграциялашган тузилма таркибига кириши кўзланган ҳар бир корхона учун рейтинг миқдори аниқланади. Бунда, ҳисоб-китоб формуласи таркибига кирувчи молиявий кўрсаткичлар ҳисобланади, сўнгра корхоналарнинг рейтинг миқдорлари йиғиндиси аниқланади. Шунингдек, корхоналарнинг бирлашиши натижасида юзага келадиган ягона интеграциялашган тузилманинг молиявий кўрсаткичлари аниқланади ва рейтинг миқдори ҳисобланади. Агар вертикал интеграциялашган тузилманинг рейтинг миқдори алоҳида корхоналарнинг бирлашгунга қадар бўлган рейтинг миқдори йиғиндиси қийматидан юқори бўлса, у ҳолда ягона тузилмада бирлашиш самарали ҳисобланади. Аксинча ҳолат бўлса, унда бирлашиш мақсадга мувофиқ бўлмайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 17 ноябрдаги «Ўзагротехсаноатхолдинг» акциядорлик жамияти фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисидаги ПҚ-2658-сонли қарорининг қабул қилиниши интеграциялашган тузилмаларни шакллантиришда муҳим ўрин тутди.

«Ўзагротехсаноатхолдинг» АЖ таркибига қишлоқ хўжалиги фаолиятини ишлаб чиқаришни ташкил этишга ихтисослашган «Ўзагротехмаш» АЖ, қишлоқ хўжалиги техникаларини лизингга етказиб беришга ихтисослашган «Ўзагролизинг» АЖ, қишлоқ хўжалик техникаларига сервис хизматини кўрсатиш ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларига механизациялашган хизматларни кўрсатишга ихтисослашган «Ўзагросервис» АЖ каби компаниялар киритилган. Шу билан биргаликда мазкур компаниялар ҳам ўз таркибига бир қатор ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш корхоналарини ҳамда лизинг компанияси филиалларини қамраб олган.

Мазкур тузилма фаолияти замонавий қишлоқ хўжалиги техникаларини ишлаб чиқариш, сотиш ҳамда қишлоқ хўжалиги техникаларини лизингга етказиб бериш ва уларга сервис хизматларини кўрсатиш тизимини бошқариш бўйича ягона мажмуанинг самарали фаолиятини таъминлаш ва қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларига механизациялаштирилган хизматлар кўрсатишга йўналтирилган.

Саноат корхоналари вертикал ва горизонтал интеграциясининг жаҳон амалиёти таҳлили кўрсатишича корхоналар кооперациясини ривожлантиришнинг истиқболли йўналишларидан бири бўлиб уларнинг кластерда бирлашиши ҳисобланади. Моҳияти жиҳатидан саноат кластери бу ягона технологик занжирга бирлаштирилган корхоналар мажмуи бўлиб, у илм-фан, таълим ҳамда ишлаб чиқариш интеграциясини чуқурлаштириш, янги технологияларни амалиётга жадал жорий этиш имконини беради. Пировардида эса, хом ашё қайта ишлашнинг барча босқичидан ўтиб, экспортбоп тайёр маҳсулотга айланади.

Саноат кластерлари деганда саноат корхоналарининг ҳудудий белгиси бўйича ва улар билан узок муддатли кооперацион алоқалари мавжуд бўлган бошқа иқтисодий субъектларнинг ўзаро боғлиқ мажмуаси тушунилиб унда иқтисодий манфаатларнинг умумийлигини таъминлаш орқали муайян ҳудудда ишлаб чиқариш ва капиталнинг жамланишини ҳамда рақобат афзалликларини кучайтириш ҳисобига саноат корхоналари ривожланиш самарадорлигини оширишга имкон яратилади¹.

Битта ҳудудда жойлашган саноат корхоналарининг ўзаро ва бошқа иқтисодий субъектлар билан биргаликда фаолият юритишининг кўплаб умумий зарурат ва имкониятлари мавжуд бўлиб бу ҳолат, интеграциялашган корпоратив тузилмаларни жумладан, саноат кластерларини шакллантиришни тақозо этади. Саноат кластерларини ташкил этиш асосида саноат корхоналари ва улар билан узок муддатли кооперацион алоқаларга эга бўлган бошқа иқтисодий субъектларни қўшимча рақобат афзалликларига эга бўлиш ва истиқболда фойдани ошириш мақсадида бирлаштириш ётади².

Ҳудудлар ижтимоий-иқтисодий тараққиётида саноат кластерлари муҳим ўрин тутаяди, чунки уларда иштирокчиларнинг биргаликда фаолият юритиши

¹ Michael Porter. Clusters and the New Economics of Competition. Harvard Business Review, November-December, 1998. p. 78.

² Clusters for competitiveness. A Practical Guide & Policy Implications for Developing Cluster Initiatives. International Trade Department, The World Bank. February 2009. p.3.

кучайиб бораётган рақобатлашув шароитида ишлаб чиқариладиган маҳсулот ва кўрсатиладиган хизматлар сифатининг ошишига имкон яратади. Бунга sanoat корхоналарининг кўп томонлама ва кўп даражали ўзаро фаолияти ҳамда интеграциялашган тузилма барча иштирокчилари салоҳиятидан самарали фойдаланиш орқали эришилади. Интеграция натижасида юзага келадиган имкониятлар кўшимча рақобат афзалликларини шакллантиришга шароит яратади³.

Агросаноат тармоғида интеграциялашган тузилмаларни шакллантиришнинг мақсадга мувофиқлигини ифодаловчи ва интеграцион жараёнларнинг хусусиятини аниқ намоён этувчи ташкилий-тузилмани юқоридаги 1-расмдаги каби тасвирлаш мумкин.

Интеграциялашган тузилманинг таклиф этилаётган эгилувчан тузилмаси унинг таркибига кирувчи корхоналарнинг хусусиятини ифодалайди (1-расм). Ушбу ҳолатда интеграцион алоқалар корхоналар ўзаро фаолиятини ташкил этишга ва биргаликдаги фаолиятдан умумий синергетик самарани оширишга йўналтирилади.



1-расм. Агросаноат тармоғида интеграциялашган тузилмаларни шакллантириш схемаси⁴

Ички кластер рақобат афзалликларидан фойдаланиш ташқаридан жалб этиладиган ресурслар ҳисобига ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга ундайди, бу пировардида тармоқлар ривожланиш суръатларида меҳнат унумдорлиги кўрсаткичларида ўзининг мантиқий тасдиғини топиши керак.

Хусусан, қишлоқ хўжалиги корхоналари иштирокида ушбу турдаги интеграцион тузилмаларни шакллантириш иштирокчиларнинг ўзаро бирлашган

³ Timothy Slaper, Grace Ortuzar. Industry Clusters and Economic Development. Indiana Business Review, Vol. 90, No.1. 2015. p.7.

⁴ Муаллиф ишланмаси.

салоҳиятидан тўлиқ равишда фойдаланишга ва саноат ишлаб чиқаришини ривожлантиришга имкон яратади.

Фикримизча, саноат кластерларини шакллантиришда тузилмавий тенгликка уларнинг таркибига иштирокчиларнинг турли гуруҳини киритиш билан эришилади.

Худудларда ишлаб чиқариш корхоналари фаолият юритиши амалиётидан келиб чиқиб саноат ва қишлоқ хўжалиги корхоналари иштирокида кластерларни шакллантиришнинг асосий шарт-шароитлари ва омиллари сифатида қуйидагиларни келтириш мумкин: кластерда миллий ва жаҳон бозорларида рақобатбардош корхоналарнинг мавжудлиги; кластерни ривожлантириш учун худудда рақобат афзалликларининг мавжудлиги; кластер иштирокчиларининг ўзаро фаол муносабатда бўлиши учун географик жиҳатдан бир жойдалиги ва яқинлиги; кластерда иштирок этиш ҳисобига саноат корхоналари рақобатбардошлиги ва самарадорлигини оширувчи, кластерлаштиришни қўллаб-қувватловчи, қулай инвестицион муҳитни шакллантириш учун бир-бирини тўлдирувчи ёки ўзаро яқин алоқадор тармоқларнинг мавжудлиги; кластер иштирокчилари ўртасида ишлаб чиқариш-технологик, логистик, савдо ва мулкчилик алоқаларининг мавжудлиги⁵.

Иқтисодиёт тармоқларида интеграциялашган корпоратив тузилмаларни хусусан саноат кластерларини шакллантиришда бир қанча таҳлил усуллари мажмуасидан фойдаланиш лозим. Уларни қўллаш орқали ўз ичига қатор ўзаро боғлиқ босқичларни олган саноат кластерини шакллантиришнинг услубиёти ишлаб чиқилди. Буларга қуйидагилар киради:

1. Саноат сиёсати ва саноат салоҳиятининг миқдорий таҳлили;
2. Саноатни кластерлаштиришнинг истиқболли йўналишларини баҳолаш;
3. Саноат кластерининг тузилмасини ва салоҳиятли иштирокчиларини шакллантириш;
4. Худудий интеграциялашган тузилмаларни шакллантириш лойиҳаларини молиявий таъминлашнинг «йўл харитаси»ни ишлаб чиқиш;
5. Интеграциялашган тузилмаларни ривожлантиришнинг истиқболли йўналишларини асослаш.

Биринчи босқичда худудларнинг саноат сиёсати ва саноат салоҳиятини миқдорий таҳлил этишда кластер ташаббускорлигини ривожлантиришни қўллаб-қувватловчи омилларнинг худудларда мавжудлигини аниқлаш тавсия этилади. Бунда худудларда саноат тармоқларининг муайян бир турига ихтисослашув даражаси ва саноат ишлаб чиқариши учун зарур хом-ашё ресурсларининг мавжудлиги каби омиллар муҳим ўрин тутаяди.

Миллий иқтисодиётнинг саноат тармоқларида интеграциялашган корпоратив тузилмаларни шакллантиришда худудларнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат маҳсулоти ишлаб чиқаришга ихтисослашув ҳолатини ўрганиш муҳим ҳисобланади. Мамлакатимизда саноат маҳсулотлари ишлаб

⁵ Brunetto, Y & Farr-Wharton, R. Factors affecting the development of an industry cluster. 2nd Annual Conference of the European Academy of Management (EURAM), Stockholm, Sweden, 9-11 May. 2002. p. 5.

чиқаришнинг таркиби ўз ичига тоғ-кон саноати ва очик конларни ишлаш, қайта ишлаб чиқариш саноати, электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш, сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш каби иқтисодий фаолият турларини қамраб олган. Алоҳида иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажмида юқори улушни қайта ишлаб чиқариш саноати эгаллаган бўлиб унинг улуши 2016 йилда 80 фоизга тенг бўлган.

Саноат тармоқларида интеграциялашган тузилмаларни шакллантиришда ишлаб чиқаришнинг ҳудудий жиҳатдан ихтисослашувини баҳолаш ва шу асосда ҳудудларда интеграциялашган тузилмаларни шакллантириш имкониятларини аниқлаш мумкин. Мамлакатимизда иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажмида юқори улушни қайта ишлаб чиқариш саноати эгаллаганлиги туфайли мазкур тармоқ таркибига кирувчи соҳаларнинг ҳудудий жиҳатдан ихтисослашувини баҳолаш мақсадга мувофиқ.

Ҳудудларнинг ихтисослашув даражасини миқдорий аниқлаш учун ихтисослашув даражаси индекси ва маҳаллийлаштириш (локализация) коэффициенти каби кўрсаткичлардан фойдаланилади.

Ихтисослашув даражаси индекси. Мазкур индекс ($I_{\text{ИХТ}}$) мамлакат саноат ишлаб чиқаришининг муайян тармоғи ҳажмида ҳудуддаги айнан шу саноат тармоғининг солиштирма ҳажмини мамлакат жами саноат ишлаб чиқариши ҳажмида ҳудуд жами саноат ишлаб чиқаришининг солиштирма ҳажмига нисбатини ифодалайди. Ихтисослашув даражаси индекси маҳаллийлаштириш коэффициенти билан деярли ўхшаш таркиб ва натижага эга бўлади лекин бошқа усул орқали ҳисобланади⁶:

$$I_{\text{ИХТ}} = \frac{T_x}{T_m} \div \frac{C_x}{C_m}$$

Бунда, T_x – ҳудудда саноатнинг муайян тармоғида ишлаб чиқариш ҳажми; T_m – мамлакатда саноатнинг муайян тармоғидаги ишлаб чиқариш ҳажми; C_x – ҳудудда жами саноат ишлаб чиқариши ҳажми; C_m – мамлакатда жами саноат ишлаб чиқариши ҳажми.

Агар индекс бирдан катта бўлса у ҳолда тармоқ ҳудуднинг ихтисослашган тармоғи ҳисобланади.

Қайта ишлаб чиқариш саноати ҳажми ва айрим саноат тармоқларида ишлаб чиқариш ҳажмига оид маълумотлар асосида ҳисобланган ихтисослашиш даражаси индекси 1-жадвалда келтирилган. Ушбу индекснинг аҳамиятини қуйидагича изохлаш мумкин: муайян тармоқларнинг мамлакат бўйича ўртача ҳисобда қайси ҳудудда юқори (ёки кўрсаткич бирликдан кам бўлганда паст) даражада тўпланганлигини ифодалайди. Индекснинг юқори миқдори таҳлил этилаётган саноат тармоғи ҳудуднинг ихтисослашган ишлаб чиқариш тармоғи эканлигини намоён этади.

⁶ Коваленко Е., Зинчук Г., Кочеткова С. Региональная экономика и управление: Учебное пособие, 2-е изд., перераб. и доп. – СПб.: Питер, 2008. – 57 с.

1-жадвал маълумотларидан кўришимиз мумкинки, ихтисослашиш даражаси индексининг юқори миқдори озиқ-овқат маҳсулотлари, ичимликлар ва тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш тармоғида Самарқанд, Сирдарё, Сурхондарё каби вилоятларига тўғри келган, бу ҳолат мазкур ҳудудларда озиқ-овқат саноати корхоналарида инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш билан боғлиқ.

1-жадвал

Ҳудудлар кесимида 2016 йилда ишлаб чиқариш саноатининг айрим тармоқлари бўйича ихтисослашиш даражаси индекси⁷

	озиқ-овқат маҳсулотлари, ичимликлар ва тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш	тўқимачилик маҳсулотлари, кийим ва тери маҳсулотлари ишлаб чиқариш	кимё маҳсулотлари, резина ва пластмасса буюмлар ишлаб чиқариш	металлургия саноати	машина ва ускуналар ишлаб чиқариш, таъмирлаш ва ўрнагиш, автотранспорт воситалари ишлаб чиқариш
Қорақалпоғистон Республикаси	0,86	0,69	4,98	0,001	0,06
Андижон	0,70	1,50	0,31	0,02	3,15
Бухоро	1,02	1,12	0,40	0,01	0,31
Жиззах	1,05	2,06	0,41	0,28	0,91
Қашқадарё	1,16	1,34	2,57	0,01	0,05
Навоий	0,46	0,65	0,84	4,86	0,22
Наманган	1,13	1,71	0,41	0,22	0,65
Самарқанд	1,67	1,13	0,55	0,01	1,13
Сурхондарё	1,29	1,68	0,05	0,02	0,45
Сирдарё	1,47	1,72	0,25	0,02	0,22
Тошкент	1,09	0,65	0,93	2,47	0,53
Фарғона	0,77	1,55	0,90	0,025	0,25
Хоразм	1,15	1,35	0,07	0,015	2,16
Тошкент ш.	0,88	0,49	1,05	0,93	1,65

Тўқимачилик маҳсулотлари, кийим ва тери маҳсулотлари ишлаб чиқариш саноат тармоғида ихтисослашиш даражаси индексининг юқори миқдори Жиззах, Сирдарё ва Наманган вилоятларига тўғри келган бўлиб ушбу ҳолатни ҳудудларда тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш саноати корхоналарида амалга оширилган модернизациялаш ва техник қайта қуроллантириш ишлари билан изоҳлаш мумкин.

Қорақалпоғистон Республикаси ва Қашқадарё вилоятида йирик газ-кимё мажмуаларининг мавжудлиги кимё маҳсулотлари, резина ва пластмасса буюмлар ишлаб чиқаришда ихтисослашиш даражаси индексининг юқори

⁷ Муаллиф ҳисоб-китоблари.

миқдори мазкур ҳудудларга тўғри келишига таъсирини кўрсатган. Металлургия саноатида ҳам ихтисослашиш даражаси индексининг юқори миқдори Навоий ва Тошкент вилоятларига тўғри келган бўлиб мазкур ҳудудларда металлургия саноатига тегишли йирик ишлаб чиқариш объектлари мавжуддир.

Фикримизча, мамлакатимиз ҳудудларининг саноат ишлаб чиқариши ихтисослашувидан келиб чиққан ҳолда ихтисослашув даражаси юқори бўлган айрим ҳудудлардаги саноат корхоналари иштирокида интеграциялашган корпоратив тузилмаларни шакллантириш мақсадга мувофиқдир. Ҳудудий интеграциялашган корпоратив тузилмаларни озик-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳамда тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш каби саноат тармоқларида шакллантириш имконияти ва салоҳияти юқори деб ҳисоблаймиз. Чунки, мазкур саноат тармоқларида ишлаб чиқариш учун зарур бўлган хом-ашё ресурслари деярли барча ҳудудларда мавжуд бўлиб ҳудудларда ушбу саноат тармоқларида фаолият кўрсатувчи замонавий интеграциялашган тузилмаларни босқичма-босқич шакллантириб бориш мақсадга мувофиқ. Саноат тармоқларида ташкил этиладиган интеграциялашган корпоратив тузилмалар ишлаб чиқариш жараёнининг барча босқичларини, жумладан хомашё етиштиришдан тортиб юқори қўшилган қийматга эга тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни сотиш жараёнигача бўлган технологик занжирни ўз ичига қамраб олиши лозим.

Иккинчи босқич саноатни кластерлаштиришнинг истиқболли йўналишларини баҳолаш бўлиб саноат кластерини шакллантириш учун иқтисодий фаолиятнинг истиқболли турларини танлашга асосланади.

Фикримизча, саноат салоҳиятини ошириш учун меҳнат унумдорлиги юқори бўлган иқтисодий фаолият турлари ва корхоналар муҳим ҳисобланади. Бунда айрим кўрсаткичлар мажмуасидан фойдаланиш ва қўп мезонли ёндашувни қўллаш тавсия этилади. Кўрсаткичлар мажмуаси қуйидагилардан иборат:⁸

1. Иқтисодий фаолият турлари бўйича ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш коэффициенти. Бу коэффициент ҳудудда иқтисодий фаолият турларининг ривожланиш даражасини ва уларнинг иқтисодиёт учун аҳамиятини кўрсатади.

2. Иқтисодий фаолият турлари бўйича айланиш коэффициенти.

3. Маҳсулотларни жон бошига ишлаб чиқариш коэффициенти.

4. Корхоналар миқдори коэффициенти.

5. Иқтисодий фаолиятнинг муайян туридаги корхоналарда иш билан бандлар миқдори коэффициенти.

6. Шахсий ишлаб чиқаришда юқлаб жўнатилган маҳсулотлар коэффициенти.

7. Инновационлик коэффициенти.

8. Инвестициялар коэффициенти.

⁸ Шарипов Т. Методология планирования на предприятиях машиностроительного комплекса в условиях модернизации экономики. Монография. – Оренбург, 2012. - 190 с.

Саноат кластерлаштириши учун юқори салоҳиятга эга бўлган ҳудудий иқтисодий фаолият турини аниқлашда интеграл коэффициентни ҳисоблаш тавсия этилади.

Юқорида таҳлил этилган ихтисослашиш индекси юқори ҳудудлардан бири бўлган Сирдарё вилоятида ҳудудий саноат кластерларини шакллантириш имкониятини қуйидаги маълумотлар асосида баҳолаймиз.

Тадқиқотлар кўрсатишича Сирдарё вилояти саноат кластерларини шакллантиришнинг зарурий шарт-шароитларига эга. Ҳудудда кластерлаштириш бўйича ташаббускорликда қайта ишлаш саноати таркибида фаолият юритувчи субъектларнинг имконияти юқоридир.

2-жадвал

Сирдарё вилоятида ҳудудий саноат кластерларини шакллантириш учун иқтисодий фаолият турларини баҳолаш натижалари⁹

Иқтисодий фаолият турлари	Ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш коэффициенти	Айланиш коэффициенти	Маҳсулотларни жон бошига ишлаб чиқариш коэффициенти	Корхоналар миқдори коэффициенти	Интеграл коэффициент
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	0,443	0,046	5,269	0,109	0,329
Тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш	0,001	0,014	0,012	0,022	0,008
Қайта ишлаш саноати	0,522	0,346	6,202	0,107	0,588
Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш	0,304	0,168	3,621	0,028	0,268
Сув билан таъминлаш; канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш	0,003	0,005	0,039	0,034	0,012
Қурилиш	0,114	0,092	1,358	0,081	0,184
Чакана савдо айланмаси	0,363	0,284	4,114	0,275	0,584
Яшаш ва овқатланиш хизматлари	0,007	0,005	0,082	0,049	0,019
Алоқа ва ахборотлаштириш хизмати	0,03	0,026	0,325	0,021	0,047
Транспорт хизмати	0,04	0,018	0,511	0,057	0,069
Кўчмас мулк билан боғлиқ бўлган хизматлар	0,017	0,002	0,127	0,012	0,015
Бошқа шахсий хизматлар	0,023	0,01	0,276	0,027	0,036

Юқоридаги 2-жадвалда ҳисобланган тўртта коэффициент бўйича Сирдарё вилоятида саноат кластерларини шакллантириш салоҳияти интеграл баҳолаш натижаси орқали келтирилган. Ҳисоб-китоблар кўрсатишича, қайта ишлаш саноати (0,588) ҳамда қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги (0,329) кластерлаштиришнинг юқори салоҳиятига эга. Қайта ишлаш саноатининг ҳудудий кўрсаткичлари асосида ушбу фаолият учун интеграл кўрсаткични ҳисоблаш лозим.

⁹ Сирдарё вилоятининг 2016 йил яқунлари бўйича статистик маълумотлари асосида тузилган.

Сирдарё вилоятида саноат салоҳиятини ошириш учун қайта ишлаб чиқариш тармоқларининг аҳамиятини белгиловчи кўрсаткичлар¹⁰

Саноат тармоқлари	Миқдор коэффициенти	Шахсий ишлаб чиқаришда юқлаб жўнатилган маҳсулотлар коэффициенти	Инновационлик коэффициенти	Инвестициялар коэффициенти	Интеграл коэффициент
Озиқ-овқат маҳсулотлари, ичимликлар ва тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш	0,292	0,301	0,130	0,176	0,212
Тўқимачилик маҳсулотлари, кийим ва тери маҳсулотлари ишлаб чиқариш	0,279	0,313	0,174	0,250	0,248
Ёғоч ва пўкак буюмлар, қоғоз ва қоғоз маҳсулотлари, мебеллар ишлаб чиқариш	0,025	0,006	0,043	0,066	0,026
Кимё маҳсулотлари, резина ва пластмасса буюмлар ишлаб чиқариш	0,076	0,133	0,087	0,097	0,096
Асосий фармацевтика маҳсулотлари ва препаратлари ишлаб чиқариш	0,082	0,173	0,261	0,299	0,183
Бошқа нометалл минерал маҳсулотлар ишлаб чиқариш	0,112	0,029	0,043	0,046	0,051
Металлургия саноати	0,023	0,009	0,043	0,015	0,019
Машина ва ускуналардан ташқари тайёр металл буюмлар ишлаб чиқариш	0,022	0,006	0,087	0,020	0,022
Бошқа тоифаларга киритилмаган машина ва ускуналар ишлаб чиқариш	0,070	0,010	0,087	0,023	0,035

Сирдарё вилоятида саноат кластерларини шакллантириш учун тўқимачилик ва озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш тармоқлари истиқболли бўлиб айнан мазкур тармоқларда кластерлаштириш салоҳияти юқоридир. Чунки, вилоят қайта ишлаб чиқариш саноати таркибида мазкур саноат тармоқларининг интеграл кўрсаткичи юқори миқдорни ташкил этган (3-жадвал). Ушбу вилоятда тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш саноатини ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар мавжуддир. Булар жумласига, хом-ашё базасини кенгайтириш учун қулай табиий-иқлим шароитининг мавжудлиги, транспорт ташувларини амалга оширишда географик жойлашувининг қулайлиги ҳамда тармоқлараро алоқаларни амалга оширишдаги инфратузилмавий қулайликларни киритиш мумкин.

Таклиф этилаётган услубиётнинг учинчи босқичи саноат кластерининг салоҳиятли иштирокчиларини жалб этган ҳолда тузилмани шакллантиришни тақозо қилади. Ушбу жараёнда кластерни бир қатор асосий хусусиятлар тўплами сифатида белгилаш мақсадга мувофиқ: буларга кластер иштирокчиларининг географик жихатдан битта худдуда жойлашганлиги ва

¹⁰ Сирдарё вилоятининг 2016 йил якунлари бўйича статистик маълумотлари асосида тузилган.

ўзаро алоқадорлиги, ўхшаш ёки бир-бирини тўлдирувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариши, корхоналар ўртасида ахборот алмашинуви кабиларни киритиш мумкин.

Мамлакатимизда тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи кластерни шакллантиришда аввало тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун зарур бўлган пахтани қайта ишловчи тармоқларни ҳам кластер таркибига жалб этиш бунда пахта етиштиришдан тортиб тайёр тўқимачилик маҳсулоти ишлаб чиқаришгача бўлган жараёни камраб оладиган интеграциялашган тузилма фаолиятини ташкил этиш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикасини 2017-2021 йилларда ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш, ярим тайёр ва тайёр озиқ-овқат ҳамда қадоқлаш маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича энг замонавий юқори технологик асбоб-ускуналар билан жиҳозланган янги қайта ишлаш корхоналарини қуриш, мавжудларини реконструкция ва модернизация қилиш бўйича инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш муҳим йўналишлардан бири сифатида қайд этилган. Ушбу йўналишда қишлоқ хўжалиги корхоналари иштирокида интеграциялашган тузилмаларни, жумладан саноат кластерларини шакллантириш муҳим ўрин тутади.

Тўртинчи босқич ҳудудий интеграциялашган тузилмаларни шакллантириш лойиҳаларини молиявий таъминлашнинг «йўл харитаси»ни ишлаб чиқишни тақозо этади.

Мамлакатимиз ҳудудларида интеграциялашган молия-саноат тузилмаларини шакллантириш лойиҳаларини бенчмаркинг технологияларини қўллаш орқали молиявий таъминлашнинг «йўл харитаси» ишлаб чиқиш ҳамда лойиҳаларни молиялаштириш блокинни ташкил этиш тартиби аниқлаш муҳим ҳисобланади.

Ҳудудий жиҳатдан интеграциялашган молия-саноат тузилмаларини шакллантиришни молиявий таъминлаш учун қуйидаги «йўл харитаси»дан фойдаланиш тавсия этилади: 1) «интеграциялашган тузилманинг инвестицион жозибдорлигини таъминлаш»; 2) ««ишлаб чиқариш – илмий тадқиқот – инновацион ривожланиш» жараёнини ташкил этиш»; 3) ««қўшилган қиймат занжирини яратиш», рақобатлашув жараёнига кириш»; 4) «тузилмага бир-бирига яқин ва хизмат кўрсатувчи тармоқларни жалб этишни қўллаб-қувватлаш, бизнес-аутсорсингдан фойдаланиш»; 5) «молия ва саноат капитали интеграциясини таъминлаш»; 6) «рақобатлашув даражасини ошириш»; 7) «ягона ҳудудий инфратузилмавий мажмуани ташкил этиш»; 8) «тузилма иштирокчилари фаолиятини барқарорлаштиришга қаратилган истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш»; 9) «саноат ишлаб чиқаришини замонавий технологиялар билан таъминлаш тизимини ташкил этиш».

Ҳудудларда интеграциялашган тузилмаларни шакллантириш лойиҳаларини амалга оширишда лойиҳани молиявий таъминлаш ва бошқаришнинг қуйидаги ташкилий тузилмасини келтириш мумкин (2-расм).

Интеграциялашган тузилманинг бошқарув кенгаши тузилма доирасидаги дастур ва лойиҳаларни амалга оширишда иштирок этувчиларнинг фаолиятини мувофиқлаштириб бориш вазифасини бажаради.

Бошқарувчи компания эса, интеграциялашган тузилма фаолиятининг барча дастурларини ва уни ривожлантириш борасидаги чора-тадбирларни амалга ошириш билан шуғулланади. Тузилма доирасидаги пул оқимларини бошқариш ва лойиҳаларни молиялаштириш учун зарур маблағларни йўналтириш вазифасини тижорат банки бажаради.



2-расм. Интеграциялашган тузилма лойиҳа ва дастурларини молиялаштириш ҳамда бошқаришнинг ташкилий тузилмаси¹¹

Фикримизча, интеграциялашган тузилма лойиҳаларини молиялаштириш ва бошқариш бўйича таклиф этилган ташкилий тузилманинг афзаллиги ҳудудларда саноат кластерлари фаолиятини ташкил этиш ва бошқаришда ҳудудлараро ва тармоқлараро ҳамкорликни мустаҳкамлаш, тузилма иштирокчиларининг молиявий манфаатларини ўзаро мувофиқлаштириш ҳамда молиявий муносабатларни самарали ташкил этиш имконини беради.

Интеграциялашган тузилма таркибига кирувчи корхоналар фаолиятини мувофиқлаштирувчи асосий яъни бошқарувчи компания фаолиятида қуйидаги йўналишларга алоҳида эътибор бериш лозим деб ҳисоблаймиз:

¹¹ Муаллиф томонидан тузилган.

- стратегик ривожланиш ва маркетинг фаолиятини ташкил этиш, ички ва ташқи бозорлардаги талабни ўрганиш асосида корпоратив тузилма таркибига кирувчи корхоналарда ишлаб чиқариш бўйича буюртмалар портфелини шакллантириш;
- ишлаб чиқаришга инновацияларни татбиқ этиш ва истиқболли лойиҳаларга инвестицияларни жалб этиш;
- тузилма таркибига кирувчи корхоналарда янги маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича лойиҳаларни шакллантириш ва уларнинг техник-иқтисодий асосларини тайёрлаш;
- фаолият натижаларини иқтисодий таҳлил этиш ва истиқболни прогнозлаштириш;
- корпоратив тузилма фаолиятини ривожлантиришнинг истиқболдаги стратегиясини ва унинг асосий йўналишларини ишлаб чиқиш;
- тузилма доирасида ягона илмий-техникавий ва инвестициявий сиёсатни шакллантириш ва бошқалар.

Бешинчи босқичда кластерни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари асосланиши лозим. Ушбу босқичда кластерни ривожлантиришнинг турли вариантлари кўриб чиқилади ва уни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари танланади. Фикримизча, кластерни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари барқарор ҳудудий ривожланиш шароитларини таъминлашда корхоналарда яратилган қўшилган қийматни доимий оширишга қаратилиши лозим. Саноат кластерлари фаолиятининг самарадорлиги кластер иштирокчилари фаолиятини мувофиқлаштириш ва ўзаро алоқалар механизмини самарали ташкил этишга боғлиқ бўлади.

Қишлоқ хўжалиги ва енгил саноатни истиқболда барқарор ривожлантиришнинг стратегик йўналиши бўлиб хом-ашёни етиштириш ва уни етказиш босқичидан бошлаб, бирламчи қайта ишлаш ва тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришгача бўлган барча босқичларни ўз ичига қамраб олган интеграциялашган тузилмаларни шакллантириш ҳисобланади. Бу жараёнда ривожланишнинг кластерли моделини жорий этиш алоҳида аҳамиятга эга.

Ҳудудларда кластерлаштириш жараёнини кенгайтириш учун қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

- саноат тармоқларида кластерли ривожланиш фаолиятини тартибга солувчи меъёрий-ҳуқуқий асосларни шакллантириш;
- кластерларни ташкил этиш учун зарурий шароитларни яратиш;
- янги рақобат афзалликларини шакллантириш ва иқтисодий ўсишни таъминлашга қобилиятли саноат кластерларини ташкил этиш;
- кластерлар фаолиятининг барча босқичларида инновацион муҳитни шакллантириш.

Мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлашни ташкил этиш асосида рақобатбардош тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш, шунингдек мазкур соҳада унумдорликни оширишга қаратилган ислохотлар изчиллик билан амалга оширилмоқда. Бу борада, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 15 сентябрдаги «Сирдарё вилоятида

замонавий пахтачилик-тўқимачилик кластерини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–3279-сонли Қарорининг қабул қилиниши муҳим ўрин тутди. Мазкур қарорга асосан пахта хом-ашёсини етиштириш ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг бошқа турларини ишлаб чиқариш, уларни чуқур қайта ишлаш ва тижорат банклари инвестициялари ҳамда кредитларини, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш ҳисобига рақобатбардош тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш бўйича замонавий кластер «Век cluster» маъсулияти чекланган жамият шаклидаги қўшма корхона ташкил этилди.

«Век cluster» МЧЖ ҚК таркибига қуйидаги ташкилотлар киритилди:

1. Пахта хомашёси ва бошқа қишлоқ хўжалиги экинларини етиштириш бўйича қишлоқ хўжалиги ташкилотлари.
2. Пахта хомашёсини қайта ишлаш бўйича ташкилот.
3. Ёғ-мой маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича ташкилот.
4. Тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича ташкилот.
5. Тухум, гўшт ва сут ишлаб чиқариш ҳамда қайта ишлаш бўйича ташкилот (чорвачилик ва паррандачилик мажмуаси).
6. Сабзавотлар етиштириш бўйича ташкилот (замонавий иссиқхона мажмуаси).
7. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш бўйича ташкилот.

Юқоридагилардан кўришимиз мумкинки, мазкур пахтачилик-тўқимачилик кластерининг шакллантирилиши йирик интеграциялашган саноат тузилмасининг вужудга келишига ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш асосида аҳоли истеъмоли учун зарур бўлган юқори сифатли рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришга, ҳудудий иқтисодий салоҳиятнинг янада юксалишига имкон яратади.

Ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда эришилган ижобий силжишларга қарамасдан, уларни комплекс ва мувозанатли ривожлантириш, саноат ва хизматлар соҳасининг жадал ривожланишини таъминлаш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш ва шу асосда юқори сифатли рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш, аҳолининг, айниқса ҳудудларда яшовчиларнинг ҳаёт даражаси ва сифатини изчил ошириб бориш билан боғлиқ тизимли муаммолар мавжуддир. Айнан шунинг учун, ҳудудларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш негизида тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи ўз ичига технологик алоқадор корхоналарни қамраб олган интеграциялашган тузилмаларни шакллантириш ва улар фаолиятини ривожлантириш долзарб масалалардан биридир.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, миллий иқтисодиёт барқарорлигини ва саноат тармоқлари рақобатбардошлигини оширишнинг истиқболли йўлларида бири сифатида саноат тармоқларида интеграциялашган корпоратив тузилмаларни шакллантириш намоён бўлади. Интеграциялашган корпоратив тузилмаларни ишлаб чиқаришнинг технологик даври ўзаро алоқадор бўлган корхоналарнинг интеграцияси орқали шакллантириш мақсадга мувофиқдир.

Бундай корхоналар жумласига, қишлоқ хўжалигида, тўқимачилик ҳамда истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқариш саноатидаги корхоналарни киритиш мумкин. Мамлакатимиз ҳудудларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишловчи корхоналар иштирокида интеграциялашган тузилмаларни, жумладан саноат кластерларини шакллантириш ва улардаги истиқболли инвестицион лойиҳаларга тижорат банкларининг маблағларини йўналтириш истиқболда юқори сифатли тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш, ҳудудлар иқтисодий салоҳиятини ва саноатлаштириш даражасини ошириш ҳамда янги иш ўринларини ташкил этишга имкон яратади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони. 2017 йил 7 феврал, ПФ-4947.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзагротехсаноатҳолдинг» акциядорлик жамияти фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисидаги Қарори. 2016 йил 17 ноябр, ПҚ-2658.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Сирдарё вилоятида замонавий пахтачилик-тўқимачилик кластерини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори. 2017 йил 15 сентябр, ПҚ-3279.
4. Michael Porter. Clusters and the New Economics of Competition. Harvard Business Review, November-December, 1998. p. 78.
5. Clusters for competitiveness. A Practical Guide & Policy Implications for Developing Cluster Initiatives. International Trade Department, The World Bank. February 2009. p.3.
6. Timothy Slaper, Grace Ortuzar. Industry Clusters and Economic Development. Indiana Business Review, Vol. 90, No.1. 2015. p.7.
7. Brunetto, Y & Farr-Wharton, R. Factors affecting the development of an industry cluster. 2nd Annual Conference of the European Academy of Management (EURAM), Stockholm, Sweden, 9-11 May. 2002. p. 5.
8. Коваленко Е., Зинчук Г., Кочеткова С. Региональная экономика и управление: Учебное пособие, 2-е изд., перераб. и доп. – СПб.: Питер, 2008. – 57 с.
9. Шарипов Т. Методология планирования на предприятиях машиностроительного комплекса в условиях модернизации экономики. Монография. – Оренбург, 2012. - 190 с.